



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

2018 йил “27” июль № 563

Тошкент ш.

Талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш бўйича ҳужжатларни жойларда қабул қилишни ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ўқишни кўчириш ва ўқишга қайта тиклаш масалалари бўйича мурожаат этаётган талабаларга ҳудудлар доирасида зарур қулайликлар яратиш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н :

1. “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 7-8-бандларига мувофиқ республика олий таълим муассасаларига ўқишни кўчириш ва қайта тиклаш ҳақидаги аризаларни қабул қилиш учун қуйидаги олий таълим муассасаларида ҳудудий Ишчи гуруҳлар ташкил этилсин:

№	Ҳудудлар номи	Масъул олий таълим муассасасининг номи	ОТМ ректори – Ишчи гуруҳ раҳбари
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	Қорақалпоқ давлат университети	Рейимов А.К.
2.	Андижон вилояти	Андижон давлат университети	Юлдашев А.
3.	Бухоро вилояти	Бухоро муҳандислик-технология институти	Муҳамедханов У.
4.	Жиззах вилояти	Жиззах политехника институти	Усмонқулов А.Қ.
5.	Қашқадарё вилояти	Қарши давлат университети	Шоимқулов Б.А.
6.	Навоий вилояти	Навоий давлат кончилик институти	Санақулов Қ.

7.	Наманган вилояти	Наманган давлат университети	Иноятов У.И.
8.	Самарқанд вилояти	Самарқанд давлат университети	Халмурадов Р.И.
9.	Сирдарё вилояти	Гулистон давлат университети	Ходжиев М.Т.
10.	Сурхондарё вилояти	Термиз давлат университети	Тошқулов А.Х.
11.	Фарғона вилояти	Фарғона политехника институти	Отакулов О.Х.
12.	Хоразм вилояти	Урганч давлат университети	Абдуллаев Б.И.
13.	Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти	Тошкент давлат педагогика университети	Шарипов Ш.С.

2. Худудий Ишчи гуруҳлари раҳбарларига:

Ишчи гуруҳлар таркибига 5-7-нафар юқори малакали, тажрибали, юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган ходимларни жалб этиш;

Ишчи гуруҳга мурожаат этган фуқароларга тегишли шарт-шароитлар яратиш ва “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларини кенг тушунтириш ишларини олиб бориш;

Ишчи гуруҳларга нусха олиш аппарати (ксерокс), телефон ва интернет тармоғига боғланган замонавий компьютерлар билан жиҳозланган хона ажратиш;

Ишчи гуруҳларни жорий йилнинг **15 июль кунидан 5 августига** қадар, (талабалар ўқишини кўчириш узрли сабабларга кўра (бир худуддан иккинчи худудга доимий яшаш учун ёки турмушга чиқиш муносабати билан кўчиб ўтганда, турмуш ўртоғи ёки ота-онаси ҳарбий хизмат ўташ жойини ўзгартирганда, ёхуд ота-онаси (турмуш ўртоғи) ҳориждаги давлат хизматидан қайтган)лар учун - **жорий йилнинг 20 декабридан 2019 йилнинг 20 январига** қадар) ҳар куни соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача (якшанба – дам олиш куни; шанба – соат 9⁰⁰ дан 15⁰⁰ гача) фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳамда худудий оммавий ахборот воситалари, ОТМнинг веб-сайти орқали Ишчи гуруҳ фаолияти ҳақида эълон қилиш вазифалари юклатилсин.

3. “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 7-8-бандларига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни талабларига қатъий риоя қилиш, шу билан бирга талабалар аризаларини тўлдиришда қуйидаги маълумотлар тўлиқ ва тўғри акс эттирилишини таъминлаш, жумладан:

талабанинг (собик талабанинг) фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар, телефон рақамлари, имзоси;

талаба ўқиётган (илгари ўқиган) ва ўқиши кўчирилаётган (қайта тикланаётган) олий таълим муассасасининг номи, таълим йўналиши

(мутахассислиги) шифри ва номи, курси (шунингдек, ихтиёрий равишда талаба ўқишини кўчириш (қайта тиклаш) сабаблари кўрсатилиши мумкин);

худудий Ишчи гуруҳ раҳбари имзоси билан тасдиқланган якуний маълумотларни (Microsoft Word 2003 форматида, Times New Roman шрифтида) **2018 йилнинг 6 август (2019 йилнинг 21 январь) куни** вазирлик комиссиясига тақдим этиш вазифалари топширилсин.

4. Фуқаролардан аризалар қабул қилиш жараёни уюшқоқлик билан ташкил этилиши, салбий ҳолатларга йўл қўйилмаслиги, ҳар бир тартиббузарлик юзасидан хизмат текширувлари ўтказилиши ва тегишли чоралар кўрилиши шахсан Худудий Ишчи гуруҳ раҳбари – олий таълим муассасаси ректори зиммасига юклатилсин.

5. Мазкур Низомнинг 7-бандига мувофиқ фуқаролар ҳамда худудий Ишчи гуруҳлар томонидан тақдим этилган аризаларни вазирликнинг ўз ваколати доирасида кўриб чиқиш Комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

№	Ходимнинг ф.и.ш.	Лавозими
1.	Набиев Д.Х.	Вазирнинг биринчи ўринбосари, Комиссия раиси
2.	Холиқов А.Ж.	Кадрларни тайёрлаш ва ОТМни ташкилий-методик таъминлаш бош бошқармаси бошлиғи
3.	Аллаберганов Р.К.	Назорат ва мониторинг бошқармаси бошлиғи
4.	Сулейманова Р.Х.	Бош юрисконсульт
5.	Хамраев М.С.	Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси бош мутахассиси
6.	Абдурахимов Қ.С.	Кадрлар бошқармаси бош мутахассиси
7.	Маманазаров А.А.	Олий таълимни ривожлантириш дастури мониторинги бўлими етакчи мутахассиси

6. Вазирлик Комиссияси (Набиев Д.Х.)га:

“Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 7-8-бандларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси қошидаги Талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш идоралараро комиссияси, шунингдек тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар ваколатлари доирасида кўриб чиқилиши лозим бўлган аризаларни жорий йилнинг 10 августига қадар тааллуқлилиги бўйича Талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш идоралараро комиссиясига, тегишли вазирлик ва идораларга тақдим этиш;

“Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомга қатъий риоя қилган ҳолда талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш ҳақидаги вазирлик ваколатида бўлган аризаларни белгиланган тартибда кўриб бориш, таҳлил қилиш ҳамда натижалари тўғрисидаги маълумотларни тегишли олий таълим муассасаларига ҳамда ариза берувчиларга белгиланган муддатларда етказиш;

хорижий олий таълим муассасаларидан ўқишини Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига кўчириш истагини билдирган шахслардан синовларни (тест ёки ёзма иш) қабул қилишни таъминлаш ва натижаси юзасидан Идоралараро комиссиясига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

7. Мазкур буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



И.Маджидов

1-шакл

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига
қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси қошидаги
Талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш
идоралараро комиссиясига

Бир олий таълим муассасаси доирасида талабалар ўқишини кўчириш
(турдош бўлмаган таълим йўналишлари, мутахассисликлари) ҳақида
АРИЗА

1-қисм:

Т/р	Талабанинг фамилияси, исми ва отасининг исми	Талаба ўқийётган ОТМ, таълим йўналиши (мутахассислиги) шифри ва номи, курси, таълим шакли	Талаба ўқишини кўчираётган ОТМ, таълим йўналиши (мутахассислиги) шифри ва номи, таълим шакли

2-қисм: **Менинг ўқишимни**

_____ сабабига кўра кўчиришга рухсат беришингизни сўрайман.
3-қисм: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом талаблари билан танишдим.

Илова: 1. Рейтинг дафтари (академик маълумотнома)нинг, паспорт нусхаси
Фамилияси, имзоси, манзили, телефон рақами _____

Мурожаат этган сана « ____ » _____ 2018 й.

Текширди: Худудий ишчи гуруҳ масъул ходимининг Ф.И.Ш., телефон рақами имзоси _____

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига
 (ёки талабани қабул қилаётган ОТМ
 бўйсунадиган вазирлиги (идора)га

Талабалар ўқишини бир олий таълим муассасасидан иккинчисига кўчириш
 (мос ва турдош таълим йўналишлари, мутахассисликлари) ҳақида
АРИЗА

1-қисм:

Т/р	Талабанинг фамилияси, исми ва отасининг исми	Талаба ўқиётган ОТМ, таълим йўналиши (мутахассислиги) шифри ва номи, курси, таълим шакли	Талаба ўқишини кўчираётган ОТМ, таълим йўналиши (мутахассислиги) шифри ва номи, таълим шакли

2-қисм: **Менинг ўқишимни** _____

3-қисм: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг _____ сабабига кўра кўчиришга рухсат беришингизни сўрайман.
 қайта тиклаш ва ўқидан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан
 тасдиқланган “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқидан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги
 Низом талабалари билан танишдим.

Йлова: 1. Рейтинг дафтари (академик маълумотнома)нинг, паспорт нусхаси
 Фамилияси, манзили, телефон рақами, имзоси _____

Мурожаат этган сана « _____ » _____ 2018 й.

Текширди: Худудий ишчи гуруҳ масъул ходимнинг Ф.И.Ш., телефон рақами, имзоси _____

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига
қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси қошидаги
Талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш
идоралараро комиссиясига

Талабалар ўқишини бир олий таълим муассасасидан иккинчисига кўчириш
(турдош бўлмаган таълим йўналишлари, мутахассисликлари) ҳақида
АРИЗА

1-қисм:

Т/р	Талабанинг фамилияси, исми ва отасининг исми	Талаба ўқийётган ОТМ, таълим йўналиши (мутахассислиги) шифри ва номи, курси, таълим шакли	Талаба ўқишини кўчираётган ОТМ, таълим йўналиши (мутахассислиги) шифри ва номи, таълим шакли

2-қисм: Менинг ўқишимни

_____ сабабига кўра кўчиришга рухсат беришингизни сўрайман.
3-қисм: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш,
қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан
тасдиқланган “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги
Низом талаблари билан танишдим.

Йлова: 1. Рейтинг дафтари (академик маълумотнома)нинг нусхаси
Фамилияси, манзили, телефон рақами, имзоси _____

Мурожаат этган сана « ____ » _____ 2018 й.

Текширди: Худудий ишчи гуруҳ масъул ходимнинг Ф.И.Ш., телефон рақами, имзоси _____

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига
қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси қошидаги
Талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш
идоралараро комиссиясига

Хорижий давлатларнинг олий таълим муассасаларидан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига талабалар
ўқишини кўчириш ҳақида
АРИЗА

1-қисм:

Т/р	Талабанинг фамилияси, исми ва отасининг исми	Талаба ўқиётган ОТМ, таълим йўналиши (мутахассислиги) шифри ва номи, курси, таълим шакли	Талаба ўқишини кўчираётган ОТМ, таълим йўналиши (мутахассислиги) шифри ва номи, таълим шакли

2-қисм: Менинг ўқишимни

_____ сабабига кўра кўчиришга рухсат беришингизни сўрайман.
3-қисм: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом талаблари билан танишдим.

Илова: 1. Рейтинг дафтари (академик маълумотнома)нинг, паспорт нусхаси
Фамилияси, манзили, тел.рақами, имзоси _____

Мурожаат этган сана « _____ » _____ 2018 й.

Текширди: Худудий ишчи гуруҳ масъул ходими Ф.И.Ш., телефон рақами, имзоси, _____

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси қошидаги Талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш идоралараро комиссиясига

Талабалар ўқишини қайта тиклаш ҳақида (10 йилдан ортиқ вақт ўтган)

АРИЗА

1-қисм:

Т/р	Талабанинг фамилияси, исми ва отасининг исми	Талаба ўқиётган ОТМ, таълим йўналиши (мутахассислиги) шифри ва номи, курси, таълим шакли	Талаба ўқишини кўчираётган ОТМ, таълим йўналиши (мутахассислиги) шифри ва номи, таълим шакли

2-қисм: Менинг ўқишимни _____

_____ сабабига кўра тиклашга рухсат беришингизни сўрайман.
 3-қисм: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом талаблари билан танишдим.

Илова: 1. Рейтинг дафтари (академик маълумотнома)нинг, паспорт нусхаси
 Фамилияси, тел.рақами, манзили, имзоси: _____

Мурожаат этган сана « _____ » _____ 2018 й.

Текширди: Худудий ишчи гуруҳ масъул ходими Ф.И.Ш., телефон рақами, имзоси, _____

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига
(ёки талабани қабул қилаётган ОТМ
бўйсунадиган вазирлиги (идора)га

Талабалар ўқишини қайта тиклаш ҳақида (5 йилдан 10 йилгача бўлган вақт ичида)

АРИЗА

1-қисм:

Т/р	Талабанинг фамилияси, исми ва отасининг исми	Талаба ўқиётган ОТМ, таълим йўналиши (мутахассислиги) шифри ва номи, курси, таълим шакли	Талаба ўқишини кўчираётган ОТМ, таълим йўналиши (мутахассислиги) шифри ва номи, шакли

2-қисм: Менинг ўқишимни

_____ сабабига кўра тиклашга рухсат беришингизни сўрайман.
3-қисм: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом талаблари билан танишдим.

Илова: 1. Рейтинг дафтари (академик маълумотнома)нинг, паспорт нусхаси
Фамилияси, тел.рақами, манзили, имзоси: _____

Мурожат этган сана « ____ » _____ 2018 й.

Текширди: Худудий ишчи гуруҳ масъул ходими Ф.И.Ш., телефон рақами, имзоси, _____

Талабалар ўқишини кўчириш (қайта тиклаш) ҳақида аризалар бўйича умумий маълумот
(1-5-5-А-жадваллар бўйича)

№	Талабанинг фамилияси, исми ва отасининг исми	Талаба ўқиётган (ўқиган) ОТМ, таълим йўналиши (мутахассислиги) шифри ва номи, таълим шакли, курси	Талаба ўқишни кўчираётган (тиклаётган) ОТМ, таълим йўналиши (мутахассислиги) шифри ва номи, таълимшакли	Талаба ўқишни кўчириш (тиклаш) сабаблари	Паспорт серияси, рақами	Талабанинг доимий яшаш манзили ва телефон рақамлари
1.						
2.						
...						
...						

ОТМ номи, Ишчи гуруҳ раҳбари, ректор

Ф.И.Ш.